



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 23 май, сешанба №73 (905)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«УНИВЕРСИАДА-2000» СПОРТ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!
Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа - камолот, гўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Бу универсиададан айнан «Соғлом авлод йили»да ўтаётгани теран маъно-мазмун касб этади.

Ватан, халқ шухратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришган галабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишончманки, эл-юрт раънақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъи назар, спорт ҳақида ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май кuni Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Волфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари, В.Тирзени нафақат Германия парламенти раиси, балки мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришга анча хизмати сингган етуқ сиёсий арбоби, деб билишини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентларо алоқалар, шунингдек, кенг қўламли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ - АРАБ ТИЛИДА

Саудия Арабистони подшоҳлигининг «Дар ал-Салом» компаниялари гуруҳи араб тилида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажақ йўлида» номли китобини чоп этди. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур китобнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодиёт, сиёсат, таълим, маданият ва ижтимоий мавзудаги асарларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам кизқиқш кучли. Шу сабабли АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Италия каби мамлакатларда юртбошимизнинг кўплаб асарлари чоп этилган. Хорижда нашр этилган асарлар қаторига Саудия Арабистонида яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон буюк келажақ йўлида» китоби ҳам қўшилди.

«Дар ал-Салом» ноширлик борасида араб дунёсида катта обрўга эга. «Ўзбекистон буюк келажақ йўлида» Ислом Каримовнинг илгари чоп этилган китобларидан саралаб олинган. Унда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган ўзига хос йўли, сиёсати, иқтисодиёти, шунингдек, диний ва миллий қадриятлари ҳақида сўз боради.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон-Саудия Арабистони ҳукуматларо савдо-иқтисодий комиссияси хамраиси М.Усмонов, Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиа ва «Дар ал-Салом» компаниялар гуруҳининг халқро инвистициялар бўйича раиси Муҳаммад Абдулкарим Райҳон мазкур китоб икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, китобнинг араб тилида нашр этилиши араб дунёсида Ўзбекистонга, унинг раҳбарига кизқиқш тобора ортиб бораётганидан, мамлакатимизни ўрганишга интилиш кучаяётганидан далолатдир.

(ЎЗА).

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг йиғилиши 2000 йил 25 май кuni эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 май кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 23 май кuni соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Худди шу вақтда Олий мажлисда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлади. 24 май кuni соат 12.00 да Олий Мажлисида Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00 да - «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.30 да эса - ҳокимият вакиллари органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши бўлиб ўтади.

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛДИ!

22 майда Наманганда «Универсиада-2000» мусобақалари бошланди. Бир ҳафта мобайнида республикамиз олий ўқув юр்தларининг икки мингга яқин талабаси спортнинг тўққиз тури бўйича чаққонлик, куч ва маҳорат бобида мусобақалашади. Универсиада мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббусига кўра илк бор ўтказилмоқда. Шубҳасиз, мазкур анжуман талаба ёшларининг фақат спортдаги маҳоратлари синовидангина иборат эмас. Йигит ва қизлар ўзларининг маънавий, ахлоқий етуқлигини намойиш этиш имконига ҳам эга бўлиши. Зеро, улар жаҳон Ўзбекистонимиз келажаги бунёдкорларидир.

Универсиаданинг 2000 йил - мамлакатимиз Президентини томонидан Соғлом авлод йили, деб эълон қилинган бир пайтда ўтказилаётгани рамзий маънога эга. Бунинг учун Наманган танлангани ҳам тасодиф эмас. Наманган шаҳри фаолият кўрсатаётган ва бунёд этилаётган спорт мажмуалари сонига кўра республикамизнинг энг йирик спорт марказларидан биридир. Сўнгги йиллар мобайнида бу ерда нуфузли халқро турнирларни ўтказиш мумкин бўлган ўнлаб янги спорт объектлари қурилди. «Дўстлик» теннис мажмуаси, «Динамо», «Алпомиш», «Пахлавон» спорт мажмуалари шулар жумласидандир. Виллоятнинг қишлоқ жойларида ҳам спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Масалан, Уйчи туманининг чекка қишлоқларидан бири Кизилравотда ҳашар йўли билан «Соғлом авлод» спорт мажмуаси барпо этилди.

Наманган Универсиадасига республиканинг барча худудлари олий ўқув юр்தларининг 1500 нафар талабаси ташриф буюрди. Улар Универсиаданинг дастлабки икки босқичи - факультетларро ва виллоят олий ўқув юр்தлари ўртасидаги мусобақалар қилибларини бўлган терма жамоалар вакиллари. Универсиадада пойтахтнинг учта жамоаси қатнашмоқда. Шундай қилиб, мусобақада жами 16 та терма жамоа иштирок этмоқда.

22 май кuni эрталаб, қуръа ташланганидан сўнг, спортнинг 7 та тури бўйича мусобақалар бошланди. Наманганнинг энг яхши спорт заллари ва стадионларида волейбол, баскетбол, футбол, теннис, стол тенниси, шахмат, фарғонача кураш бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. 26 майдан энгил атлетика ва кураш бўйича мусобақалар бошланади.

Шу кuni кечқурун Наманганнинг марказий «Навбахор» стадионида Универсиаданинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

...30 минг киши сифагидан стадион томошабинларга тўла.

Ёшлар марши янграмоқда. Улкан стадион майдонига Универсиада иштирокчилари - республикамизнинг барча виллоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри терма жамоалари вакиллари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев Президент Ислом Каримовнинг «Универсиада-2000» иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизнинг Давлат мадҳияси садолари остида Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари ва меҳмонларни Наманган виллояти ҳокими Т.Жабборов ва Универсиадани ўтказиш

зиш бўйича ташкилий кўмита раиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирси С.Ғулмонов кутллади.

Талабалар мусобақасининг рамзий оловини ёқиш ҳуқуқи стол тенниси бўйича ўсириллар ўртасида жаҳон чемпиони, Чуст педагогика билим юрти талабаси Севара Қодировга берилди. У кўлидаги машъала билан Универсиаданинг рамзий оловини ёқди.

Талабалар мусобақаси машъали алангаланди.

Универсиада байроғи кўтарилди. Мамлакатимиз олий ўқув юр்தлари терма жамоалари аъзолари Универсиада қатнашчиларининг тантанали қасамдани қабул қилиши. Юзлаб ранг-баранг шарлар осмонга кўтарилди.

Спорт чегара билмайдиган тинчлик элчилик. Санъат ҳам худди шундай хусусиятларга эга. «Навбахор» стадионида ўтказилган байрам танталаридан кўзланган асосий мақсад спорт ва санъатнинг ноёб уйғунлигини намойиш этишдан иборат эди. Улкан саҳнага айланган стадион майдонига катта концерт бўлиб ўтди.

Сўнгра майдонга спортчилар чиқиб, кўргазмалли чиқишлар намойиш этишди. Томошабинлар эътиборига кўл жанги, дзюдо, каратэ ва самбонинг энг ёрқин машқлари ҳавола этилди. Айни пайтда футбол майдонининг турли бурчакларида гимнастикачилар, теннисчилар, қиличбозлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ёзма-ён халқ цирки артистлари - дорбозлар ва полковларни чиқиши ҳам манзарани янада бойитди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Юлдуз Усмонованинг чиқиши тантана қатнашчиларини руҳлантириб юборди. Стадион узра янграган томошабинлар оқиши узоқ вақт тинмади.

Стадионнинг учта бўлимида ўтирган наманганлик талабалар ва ўқувчилар байроқчалар ёрдамида рангин манзаралар ҳосил қилишди, бу эса мусиқа-спорт байрамига алоҳида руҳ бағишлади. Ушбу спорт байрамида ҳаммаси бўлиб беш мингга яқин киши иштирок этди. Унинг сценарийси махсус республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган. Тантаналарнинг бош режиссёри - юртимизда оммавий байрамларни ўтказиш борасида катта тажриба тўплаган инсон - республикада хизмат кўрсатган артист Марат Азимовдир.

«Универсиада-2000»нинг тантанали очилиши рангин мушакбозлик билан яқунланди.

Намангандаги катта спорт байрами 29 майгача давом этади.

Анна ИВАНОВА,
Назира ХҲЖАЕВА,
ЎЗА мухбирлари.

ТАДБИРКОРЛАР ҲАМКОРИ

Туронбанк раҳбарияти миждозларнинг ишончли ҳамкорига айлангани банк олдидаги асосий вази-фа, деб ҳисоблайди. Бу эса банк молиявий оқимларни назорат қилувчи ташкилот, деган ақидадан воз кечини аналтади. Банк корхоналар, хусусий бизнес вакиллари, яқна тадбиркорларнинг яқин кўмақчисига айлангани лозим. Туронбанк тизимида кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда яқна тадбиркорларга микрокредитлар бериш масалаларига бағишланган семинарда юқоридаги мақсадга эришиш йўллари тўғрисида сўз борди. Семинар Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Макроиктисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар институти билан биргаликда ташкил этилди.

Семинарда банк ва тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиши лозим бўлган тузилмалар - Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, Ишбилармон аёллар уюшмаси ўртасидаги алоқаларнинг мақбул йўллари муҳокама қилинди. Бу ташкилотлар мутахассислари тадбиркорларни кўлаб-қувватлашни қандай амалга ошираётганлари тўғрисида сўзлаб беришди ва бошқа банклар билан ҳамкорлик тажрибасини ўртоқлашди. Корхоналар учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бирга махсуслотни сотиш бозорини топиш ҳам муҳимдир. Республика универсал агросаноат биржаси вакиллари семинар иштирокчиларига биржа савдосининг муҳим роли ва имкониятлари тўғрисида сўзлаб берди.

Семинарда таъкидланганидек, Туронбанк тадбиркор миждозларини мазкур бозор институти билан боғловчи воситачига айлангани лозим. Шундангина, республика раҳбарияти томонидан банклар олдида қўйилган бозор ислохотларининг асосий бўлинига, тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳамкорига айлангани вазифаси ҳал этилган бўлур эди.

О.ЗАДУНАЙСКАЯ,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТДАН ҚАШҚАДАРЁГА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАХСУС ВАГОНДА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Тошкентдан Қашқадарёга «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси ташаббуси билан махсус вагонда инсонпарварлик ёрдами қарийб 17 миллион сўмлик дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар, болалар кийим-кечаги келди. Улар эҳтиёжманд оилалар, болалардан ногиронлар, жумладан, Қамаш туманида зилзиладан жабр кўрганларга тарқатилади. Айни вақтда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш учун пойтахтдан бир гуруҳ шифокорлар ҳам келди.

А.ТАЙПОВ,
ЎЗА мухбири.

ИШГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИЛАР

Меҳнатқашлар манфаатини қонун асосида муҳофаза қилишда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши алоҳида ўрин тутади. Одамлар ишонч ва умид билан бу даргоҳга мурожаат этишапти. Уларнинг мушуқуларини осон қилиш учун энг тажрибали, билимдон мутахассислар жалб этилмоқда.

Ҳар бир хат ортида инсон тақдирини ётади. Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўлланган «Маиший кимё» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонасининг ходими А. Лиханованинг аризаси Тошкент шаҳар касоба уюшмалари Кенгаши томонидан атрофида ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида ҳақиқатан ҳам А. Лиханова маъмурият томонидан Меҳнат Кодексининг 105-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси мuddа-ти тугаши муносабати билан бекор қилинган ва 1999 йил 31 декабрдаги 247-к сонли буйруқ билан ишдан бўшатишган.

Шуни таъкидлаш жоизки, А. Лиханованинг ишдан бўшатилиши меҳнат қонунини белгиланган талабларга зид ҳолда амалга оширилган.

Хусусан, Меҳнат Кодексининг 237-моддасининг талабларига асосан корхонанинг тўлиқ тугатилишидан ташқари ҳолларда иш берувчи томонидан ҳомилдор ёки фарзандлари уч ёшгача бўлган аёллар билан меҳнат шартномасини тугатилишига йўл қўйилмади. Корхона тўлиқ равишда тугатилганда эса ҳодим ишга жойлаштириш мажбурияти билан ишдан бўшатилади.

А. Лиханова билан меҳнат шартномаси тугатилганда унинг ҳомилдорлик мuddати беш ойдан ошди бўлган.

Юридик бўлим ходимларининг қонуний талабларига асосан, 2000 йил 10 февралдаги 27-к - сонли буйруқ билан А. Лиханова ўз вазифасига қайта тикланди.

Республика санитария — эпидемиология станцияси иситиш вентиляция бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаган М. И. Шулгининг ишдан қонуний бўшатишгани тўғрисидаги шикоят хати ҳам кўриб чиқилди. Аниқланишича, у 1999 йил 22 октябрдаги 107-сонли буй-

руқ асосида, иш берувчининг ташаббуси билан ўз вазифасидан озод қилинган. Мазкур буйруқ меҳнат қонунчилигига риоя қилинмаган ҳолда чиқарилганлиги сабабли Шулгин мазкур бекор юрган вақти учун ўртача ҳақ тўлаш шартин билан ўз ишига тикланди.

Каттақўрғон тумани, Пайшанба шаҳарчаси, Назаров кўчаси, 31- уйда иситикомат қилувчи Ҳикматой Туркманованинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ёзган шикоятини шундай бошланади: «1991 йилдан то 1999 йил июл ойигача Каттақўрғон туман марказий шифохонаси бўлимида фаррош ва бўлим бекаси вазифасида ишлаб келганман. Бўлим мудири ҳеч бир сабасиз мени ишдан бўшатибди. Қарамоғимда 5 нафар фарзандим бор. Во-

яга етмаган болалар билан ишсиз қолиб кетдим.»

Ариза бўйича текшириш ўтказилганда кўришлар аниқланди. Туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлими биносини таъмирлаш даврида ҳамширалар ва фаррошларга ўз аризаларига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилган эди. Шу йилнинг 1 февралдан бошлаб туман марказий шифохонаси бош шифокорининг буйруғига асосан уларга ўз вазифаларида ишлаш учун рўхсат берилган.

Хуллас, ҳар бир хатдаги эътирозни, талаб ёки илтимосни қатъий назар, эътибордан четда қолмай, ўз жойида ҳал этилиб, адолат қарор топмоқда. Бинобарин, меҳнатқашлар ҳаммаша қонун ҳимоясидадир.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч»нинг
махсус мухбири.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗАГИДИР

Эл севган раҳбар Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Президентининг лавозимига қайта сайланиши давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлиб, у мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти мустақиллик йилларида изчил олиб борилган ташқи ва ички сибсатни сиқидилган қўллаб-қувватлашни, Юртбошимиз раҳнамолигида танланган йўл нақадар тўрилигини яна бир бор кўрсатди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги том маънодаги дастурий маърузаси беқиёс аҳамият касб этади. Унда Президент жамиятимизнинг стратегик ривожланиши, уни ислоҳ қилиш ва қайта ўзгартиришни устувор йўналишини аниқ-равшан белгилаб берди. Чунинчи, энг долзарб вазифалардан бири - бу нодавлат тузилмалари, ноҳукумат ва жамоат ташкилотларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир. Ҳаммамизга маълумки, жамоат ташкилотлари орасида касаба уюшмалари Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишдек умуммиллий вазифани бажаришда ўзига хос ўрин тутади.

Биринчидан, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам ақлий, ҳам jismoniy меҳнат ходимларининг энг оммавий жамоат бирлашмаси бўлиб, у юқоридан пастгача ўзининг кенг тармоқли ташкилий тузилмасига, кўпқиррали вазифаларига эга. Аксарият корхоналар, хўжаликлар ва муассасаларда касаба уюшмалари бўғинлари мавжуд. Улар ҳар қандай маҳаллий ҳокимият органлари, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект билан тармоқ ва ҳудудий микёсда шерикчилик муносабатларига киришиши мумкин.

Иккинчидан, касаба уюшмалари бошқа бирлашмалардан (сиёсий партиялар, ёшлар, фахрийлар ҳаракати ва ҳокзо) фарқи равишда амалдаги қонунга мувофиқ бевосита меҳнат жамоаларида тузилади ва фаолият кўрсатади. У ижтимоий инфратузилманинг дўхатлаш ишлаб чиқилган маърузаси ва кенг ёйилган шохобчасига эга, энг муҳими ҳар бир касаба уюшма аъзоси билан бевосита иш жойининг ўзида муносабатда бўлади.

Ва ниҳоят, биз учун энг муҳими, республика касаба уюшмаларининг ўтмишдаги сафсатабозлиқдан воз кечиб, ўз фаолиятида ижтимоий шерикчилик тамойилларига ўтиш касаба уюшмаларининг давлат билан ўзаро алоқаларини янада ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим туртки бўлди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар касаба уюшмалари ҳаракати тахрибасидан маълумки, меҳнат ахли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда айнан ижтимоий шерикчилик ижобий натижалар беради. Ҳукумат билан касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида расмийлик чўчугина Бош битимни имзоланиши қатъий талаб қилимай, аввалгина барча зарур шарт-шароитларни яратиш, керак бўлса тегишли тузилмаларни шакллантириш муҳимлиги тўғрисида муросага келиниши ҳам ана шу юқоридаги фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ана шундай бунёдкорликка асосланган музокаралар натижасида давлат ва касаба уюшмалари

ўртасида ижтимоий шерикчилик тамойилни ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, шунингдек «Бандлик», «Соғлом авлод йили», соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш сингари асосий давлат ва минтақавий дастурларни тайёрлаш ва амалга оширишда, ҳамда бошқа тадбирларни кўришда касаба уюшмалари бевосита иштирок қилмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг III курултойига қилинган ҳисобот маърузасида бу ҳақда батафсил гапирилди. Лекин айни вақтда, шунга ҳам эътибор этиш керакки, ижтимоий шерикчилик тамойили ҳали ҳам долзарб муаммо бўлиб қолган, бу борада касаба уюшмалари имкониятларидан тўла фойдаланилмапти.

Кўпгина, айниқса ўрта бўғин касаба уюшма етакчилари ижтимоий шерикчилик тамойилни уни ҳаракатга келтирувчи механизм билан бир нарсаси, деб билишадди. Улар, мазкур тамойил биринчи навбатда касаба уюшмалари ҳаракатининг коммунистлар илгари келишувчилик деб танқид қилиб келган янги мафқураси эканлигини тушунишмапти.

Шуниси муҳимки, ижтимоий шерикчилик тамойили касаба уюшмалари ҳаракатининг янги гоёси сифатида, касаба уюшмалари ўз услубларини тубдан ўзгартириди, уларга янги маъно ва мазмун бажаш этади, касаба уюшмалари раҳбарлари олдида қатъий талаблар қўяди, айни вақтда касаба уюшмалари қурилишининг ўзига ҳам ижобий таъсир қилади. Барча даражадаги касаба уюшмалари органлари буни чуқур англаб олишлари керак.

Бинобарин, касаба уюшмалари ҳаракати ишлаб чиқариши бошқаришда иштирок этишининг, бозорини, кўп уқладли иқтисодиётини, биринчи галда меҳнат бозорини бошқарувчи бошқа субъектлар билан шерикчиликнинг мазмун-моҳияти ва шакл-шамойили

иларини ислоҳ қилиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Ўзбекистон - меҳнат ресурсларига бой, Бозор ислохларининг ҳар бир босқичида ишчиларни қўллаб-қувватлаш бўлиб қўлади. Лекин бу ишчиларнинг олдини олиб бўлмайдиган, деган гап эмас. Ишчиларнинг ҳар бир одам ижтимоий ҳимоя қилиниши керак. Бу фойдаланиш бўйича берилган нафақалар ҳисобига эмас, балки биринчи галда ишлаб чиқаришни тезда қайта ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш асосида янги иш жойларини барпо этиш ва кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурининг амалга оширилишига ёрдам бериш, жамоатчилик ишларини маблағ билан таъминлаш, иш билан таъминлашнинг тармоқларро ва умум республика дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, нодавлат тизимларининг қарор топиши учун шарт-шароит яратиш бериш ҳисобига бўлиши керак.

Республиканинг кўпчилик корхоналарида амалга оширилётган техник ва илмий замонавийлаштириш биринчи навбатда иш жойларини қиққартриш ҳисобига эмас, балки ишлаётган корхоналар қувватини таъминлаш-технологик жиҳатдан қайта тузиш йўли билан ҳал этишга асосланиши керак.

Барча даражадаги касаба уюшмалари органлари меҳнат бозори жараёнини тартибга солиш туришда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуриштириш ва реконструкция қилиш ҳисобига мавжуд иш жойларидаги бандликни ошириш юзасидан таққилларни шакллантиришда фаол иштирок этишлари керак. Айни вақтда, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва ҳақиқий мўлдорлар синфини шакллантириш, касаба уюшмаларининг ишлаб чиқариши бошқаришда чинакам иштирок этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг банкрот бўлишининг олдини олиш, ихтирочилик ҳаракатини тиклаш, одамларнинг ташаббус ва иланишларини рағбатлантириш орқали жамоа-шартнома муносабатларига меҳнат масалаларни тизимини жорий этиш, меҳнаткашлар шайхиссасини яққа тартибда ҳисобга олиш асосида нодавлат (тармоқ) пенсия жамғармаларини барпо этишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш максасида нодавлат сектори ходимлари учун тегишли ҳимоя муҳитини яратиш давр талаби эканлигини унутмаслигимиз керак.

Шу муносабат билан, касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикчиликнинг асосий тамойилларини тез орада тўла жорий этиш, жамоаларга доир музокаралар тизимидан касаба уюшмалари билан маъмурият ўртасида меҳнат масалаларни тизимига ўтиш, айнан шу билан шуғулланиш, мамлакатимиз меҳнаткашларининг турмуш ва фирқалаш тарзига ҳаво беришдаги тегишли органларни барпо этиш мақсасига мувофиқдир. Бу тараққийларвар ти-

зим даставвал касаба уюшмалари билан маъмурият ўртасида ўзаро ҳурматли ўрнатилган ёрдам беради, ёлланма меҳнат барқарорлигини, меҳнат унумдорлигининг ошишини яхшироқ таъминлайди, энг муҳими, меҳнат натижаларини тақсимлаш борасидаги ихтилофларни йўқотади, умумий манфаат йўлида ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратади, бу эса касаба уюшмаларининг юксак меҳнат натижаларига эришишда янада фаол иштирок қилишига ёрдам беради, бу фойдани, даромадни меҳнаткашлар ва иш бевучи ўртасида адолатли тақсимлаш имконини беради, пировард натижада уларнинг турмуш шароити яхшиланади.

Айни шу ижтимоий шерикчилик тамойили касаба уюшмалари органлари ва уларнинг раҳбарлари олдида ишлаб чиқаришни бошқаришда бевосита иштирок этиш талабини қатъий қилиб қўймоқда. Касаба уюшмаси раҳбарининг фаолият натижаси ҳодимлар жамоа шартномаси бўйича олган имтиёз ва моддий неъматлар қиймати улар тўлаган аъзолик бадаллари суммасидан неча бор кўпчилигига қараб баҳолиниши керак.

Масалан, 1999 йилда ўрта статистик алоқа ходимининг жамоа шартномаси бўйича бевосита ва билвосита даромади у тўлаган касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан 25 баробар, қурувчиники 30 баробар, савдо ходиминики 19 баробар, шифокориники 5 баробар, ўқитувчиники 4 баробар кўп бўлди.

Шунинг учун ҳам ҳар бир касаба уюшмаси раҳбари мана шу нисбатни доим диққат-марказида тутиши керак.

Агар иш ҳақи бўйича қарз юзага келса, касаба уюшмаси органининг ходимлар ўртасидаги обрў-эътибори, нуфузини ҳеч нима билан қўтариб бўлмайди. Холбуки, деярли барча тармоқлар ва вилоятларда мана шу кўнгилсиз аҳволга дуч келяпти.

Агротранспорт ва ёқилги-энергетика мажмуалари, энгил санаят, савдо, қурилиш, қурилиш ашёлари санаяти сингари тармоқларда айниқса иш ҳақи бўйича қарзлар катта.

Шунга қарамай, бу тармоқларнинг ҳудудий касаба уюшмалари органлари иш ҳақи бўйича қарзларни йўқотиш юзасидан ҳўжаки раҳбарлари олдида бирон марта талаб қўйганлари йўқ. Буни Қашқадарь, Андижон, Бухоро ва бошқа вилоятлар тармоқ касаба уюшмалари органлари мисолида аниқ кўриш мумкин. Жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлашининг натуро шакли қўйилганда тўлиқлик ҳам натуро билан тўлаш кўлими тўбора кенгайиб бормоқда. Буни ҳишлоқ ҳўжалиги, энгил, тўқимачилик санаяти, автотранспорт ва йўл ҳўжалиги тармоқларида кўзатиш мумкин. Холбуки, бу масалалда аҳволни ўнглаб олиш борасида бизни Республика ҳукумати қизғин қўллаб-қувватлайпти. Чунинчи, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлалиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори касаба уюшмалари учун ёлланма ҳодимнинг асосий ҳуқуқи бажарилиши иш учун иш ҳақини ўз вақтида олиш ҳуқуқини амалга ошириш борасида жуда катта имкониятлар яратади.

Элёр ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари.
(Давоми бор).

«ГУЛЧИНОР» ХИЗМАТДА

Навбахор туманида яшовчи Муяссар опа Жумаевани ҳамма тadbиркор аёл деб тилаб олади. Чунки, Муяссар опа «Пахтабанк» идорасидан 2 миллион сўм кредит олиб «Гулчинор» кичик корхонасини ташкил қилди ва 12 та тикув машинасини сотиб олди. Ҳозирда тумандаги «Истиклол» ширкати ҳўжалигининг 50 га яқин хотин-қизлари корхонанинг тикув цехида турли бежирим кийим-кечак ва кўрпа тўшаклар тикмоқда.

Бундан ташқари Муяссар опа яқинда кичик корхона қошида зардўзлик, кулолчилик, ганчкорлик, нонвойлик ва қандолатчилик цехларини очди. Айни пайтда цехларда иш қизғин кетмоқда. Муяссар опа бошлик корхона аъзоларининг эндиги режаси цехларда тайёрланаётган барча маҳсулотларини сотувга чиқариб йил охиригача қамида 5 миллион сўмга яқин соф фойда олишдир.

Суратда: «Гулчинор» кичик корхонаси илгор ишчилари Дилфуза Бозорова ва Гулчехра Наврўзвалар.



Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТДА

Пахтакор шаҳар деҳқон бозори орқасида кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган, ташаббус қилган келиб қолган қишки спорт саройи бўларди. Эшик қулфи занглаб кетган бинонинг шифтидан томиғи ўтавериб сувоқлари кўчган, пол тахталари чирчи, дераза-ойнақлари синиб, ҳовлиси чакалакзорга айланганди.

Бу жой янги ишга келган туман прокурори Шуҳрат Алиризаевнинг эътиборини тортгани аввалга ҳаммамни ажаблантирди. Бунинг сабаби кейинроқ маълум бўлди. Прокурор чўл туманидаги дастлабки иш кунларида ноқ вояга етмаганлар иши билан қизиқди. Кейинги икки йил якунини таҳлил қилиб чиқди. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар илдизини аниқлади.

Ҳар йили мактабларни тўрт юз нафардан ортиқ бола битираётган бўлса, шулардан юз нафарга яқини ҳеч қаредга ишламайди. Улар шуғулланадиган тайинли жойлар йўқ ҳисоби. Туманда учта марказий, шаҳар ва болалар, тўққизта қишлоқ кутубхонаси мавжуд. Бу жуда оз, албатта. Бунинг устига янги китоблар кам, малакали кадрлар йўқ, жиҳозлар етишмайди, мутасаддилар ажратаётган маблағ етарли эмас. Қишлоқ маданият саройлари, ёзги кинотеатрлар фақат мажлислар қаққирилгандагина очилади. Ўйингоҳлар ҳувиллаб турибди. Спорт мусобақалари камдан-кам ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, ўсмирларни қизиқтирувчи тадбирлар йўқ ҳисоби.

Прокурор таҳлил қилиб кўрди: Энг кўп жиноят қилганлар асосан 14-19 сўнгра 19-23 ёшдагилар. Олдинги йилларда хатто гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилган. Нега десангиз, ёшларнинг бўш вақтларини тўлдириш билан шуғулланувчи ҳомийлар деярли бўлмаган. Ички ишлар

кор юргани, назоратдан четдалиги аён бўлди. — Қани гилам устида бир ўмбалок ош-чи. Қўлингизда тик туроласанми, — деди прокурор улардан бирига. Ҳеч бир бола бу машқни бажара олмади. «Спортни ўргатадиган жой йўқ» дея баҳона қилишди.

— Шундай жой очсам борасизларми?

— Ҳа, — деб баралла жавоб беришди болалар. Уш кунданок Шуҳрат-жон мақолаимиз аввалида тилга олинган ташаббус билан билан қизиқиб қолди. Унинг фикри ҳокимга ҳам маъқул тўшди. Йилгирча маъқул ҳомийлар топди. Уларнинг маблағи ҳисобига спорт иншооти қайта тикланди. Асосий зални, ёрдамчи хоналарни чўғдек беади. Ҳовлини гулзорга айлантирди. Ўзига мос ном ҳам топди. «Болалар ва ўсмирлар маданий-спорт маркази». Шу-шу прокурор туман ёшларининг мураббийсига, ҳомийсига айланди. Эндиликда мазкур бинода агросаноат мажмуи, таълим ва тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари кишин-ёзин спорт мусобақаларини ўтказишмоқда. Шу марказ ёнидаги болалар боғи ҳам муаллимлар ихтиёрига берилгандан сўнг у янада кўркамлашди.

— Прокуроримиз бизга бегараз ёрдам кўрсатаётганидан миннатдоримиз, — деди туман халқ таълими бўлими мудир Бахтиёр Соатов. — Бевосита у кишининг амалий ёрдами, иштироки туфайли тизимда «Ўзбекистон ватаним» мания» қўшиқ танловини ижобий якунладик, мантиринг маркази очдик. — Ҳамкорликда ҳали кўп ишларни амалга ошириш ниятимиз бор...

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Оролбўйи пилласи

Қорақалпоғистонда пилла топшириш ўтган йилга нисбатан ярим ой олдин бошланди. Бу йил давлатга 200 тонна «кумуш тола» топширишни ният қилган Амударё тумани хўжаликчиси бу ишни биринчилар қатори бошлади. Беруний, Эллиққалъа ва Тўрткўл туманида ҳам пилла тарозига тушди.

650 тонналик хирмон уюшни кўзлаётган Оролбўйи пиллакорлари бу йил кўрт боқиш муддатини қисқартариб, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришди. Хитойдан илк бор саккиз минг кўти кўрт уруғи келтириб парвариш қилингани бунда гоят қўл келди.

А.Искандаров,
ЎЗА мухбири



ИШЧИ КАЙФИЯТИ

Мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда Ангрн шаҳридаги «4-темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш» ҳиссасдорлик жамияти ишчи-ҳодимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётти. Улар йиллик топширик-режала-

рини ортиги билан адо этишмоқда. Натижада ўртача иш ҳақи 20 минг сўмдан ошиб кетди. Манфаатдорлик ўсган сайин турмуш фаровонлашиб, ҳар ким ўз меҳнатидан қониқчи ҳосил қилмоқда. Албатта, бундай юксалишга аввало ишчиларнинг вазифаларига муносабатлари сабабчи бўлмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида эса хомашёларнинг узлуксиз



таъминлини вақтни бесамар ўтказмасликка олиб келмоқда. Бундан жамоа ҳам, буюртмачилар ҳам ютмоқда.

Меҳнат унумдорлигини оширишда жамоадаги ахиликни алоҳида қайд этиш керак. Турли миллат вакилларидан иборат ишчилар бригадасида ўзаро ҳамжихатлик кайфияти ҳукмрон. Улар нафақат ишда, балки яхши-ёмон кунларда ҳам бир-бирларига сўянчиқ. Шундан бўлса керак, бу ерда ишчанлик, ташаббускорлик кенг қулоч ёймоқда.

Суратда: 1.Илгор ишчи-қолиловчи Марат Аҳмедов ҳамда Пўлат Абдуллаевлар сикидилдан меҳнат қилишмоқда. 2.Иккинчи бетон аралашмаси цех бошлиги Димитрий Пак пещадан ходимлар даврасида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Қонун барчага баробар ЭЛ РИЗҚИГА ХИЁНАТ

Ҳозирги танқислик шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, кам даромадли оила-ларни етарлича таъминлаш, айниқса, пештахталарда кундалик зарур 8 тур маҳсулотлар мавжудлигига эришиш муҳимдир. Республика ҳукумати бу борада бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Шунга қўра, Самарқанд вилоятида туманлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган тақсимот асосида 1534 та савдо шохобчалари орқали аҳолига 8 турдаги маҳсулот етказиб берилаяпти. Бундай чора аҳоли эҳтиёжини қондиришда, танқисликка барҳам беришда муҳим омил бўлаяпти.

Лекин бу жараёнда камчиликларга ҳам, қонун бузиллишларига ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, вилоят «Матлуботсавдо» акционерлик жамияти маҳсулот тақсимотида аҳоли сони ва эҳтиёжини етарлича ҳисобга олмаган. Ун маҳсулотларига талаб ўтган йили Урғут туманида 7812 тонна, Нуробод туманида 2688 тоннани ташкил этса-да, бу туманларга мувофиқ равишда 4297 ва 1485 тонна ун ажратилган. Жорий йилнинг тўрт ойида эса аҳолига вилоят бўйича 62606 тонна ўрнига 35903 тонна ун етказиб берилган, холос. Ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ҳам кўзда тутилганидан анча кам.

Ўтказилган текширишларда аксарият савдо шохобчаларида 8 турдаги маҳсулотлар тўлиқ мавжуд эмаслиги аниқланди. Айниқса, шакар, ўсимлик ёғи,

хўжалик совуни танқислиги яққол сезилади. Бу вилоят «Матлуботсавдо» АЖга қарашли савдо корхоналари раҳбарларининг маъсулиятсизлиги оқбатидир. Текшириш якунига кўра Иштихон туманидаги «Қурли» савдо бирлашмаси раиси Э.Чинини ва Пастдаргом туман матлубот жамияти раиси Ч.Аллаев вазифасидан озод қилинди. Бошқа маъсўл раҳбарларга нисбатан ҳам назорат ва ташкилотчилик ишларини бўшаштириб юборгани учун тегишли чора кўрилди.

Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд» ҳудудий савдо ишлаб чиқариш компаниясида ҳам юқоридаги каби нуқсонларга йўл қўйилган. Бу савдо компанияси Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларига эҳтиёждаги нисбатан урни 3521 тонна, ўсимлик ёғини 568 тонна, шакарни 1140 тонна, хўжалик совунини 517 тонна кам етказиб берган.

Маҳсулот танқислиги сабабли аҳоли эҳтиёжини тўла қондирилмаётганига қарамай айрим савдо ходимлари элнинг ризқига хиёнат қилишдан ўзларини тия олмаяптилар. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «Истиклол» жамоа корхонасига қарашли 2-дўкон сотувчиси Н.Ҳасанов харидор ҳақидан 288,6 сўм, Каттақўрғон шаҳридаги «Каттақўрғон» савдо ишлаб чи-

қариш фирмасига қарашли дўкон сотувчиси М.Орипов харидор ҳақидан 8584 сўм уриб қолаётганида қўлга тушди. Бундан ташқари мазкур дўконда шакар, хўжалик совуни яширинча сотилаётганига нима дейсиз? Пастдаргом туманидаги «Зарафшон» чакана савдо ташкилотига қарашли дўконларда текширув ўтказилган кунни ун, макарон, ўсимлик ёғи, касса аппарати, касса дафтраи йўқ эди. Сотувчилар савдо қондаларини кўпол равишда бузиб фаолият кўрсатишмоқда. Оқдарё туманидаги «Улғуржи бозор» корхонаси бош ҳисобчиси Қ.Турсунқулов туманидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалигидан 150 кг. шакар, 200 кг. ун, 41 кг. ўсимлик ёғи олиб, бу маҳсулотларни бозор оғиборида қирим қилмасдан талон-тарожга йўл қўйган. Нуробод туманидаги «Темир» савдо ташкилотининг дўкон мудирлари Ҳ.Эгамбердиев 26466 сўмлик, Ш.Қозоқов 330488 сўмлик маҳсулот камомадига йўл қўйган.

Вилоят прокуратураси, ички ишлар ва божхона ходимлари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчиллик билан иш олиб бормоқда. Шунинг натижасида республика ҳудудидан нонқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган катта миқдордаги ун, ўсимлик ёғи, қой, гуруч ва бошқа озиқ-овқатлар,

жамоа 4043067 сўмлик маҳсулотлар ушлаб қолинди ва тегишли дўконлар орқали аҳолига сотилди. Яна бир гапни айтиш керак. Маҳсулот танқислигининг ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган шахслар ҳам учраб турибди. Улар турли йўллар билан дўконлардан маҳсулотларни кўп миқдорда сотиб олиб, бозорда чойқон нарҳида пуллашмоқда. Масалан, Қўшробот тумани марказидаги бозорда фуқаро Р.Мамасолиева худди шундай фаолият устида ушланиб, жиний жавобгарликка тортилди.

Умуман, халқ ризқига кўз олайтириш, уни талон-торож қилиш, шу ҳисобдан бойлик орттиришга уриниш энг катта гуноҳ, энг катта жиноятлардандир. Шу боис вилоят прокуратураси савдо соҳасида қонунийликни таъминлаш, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдонини эркинлаштириш тўғрисида»ги қарори жойларда бажарилишини назорат қилиш бўйича режалар тадбирларни амалга оширмоқда. Мақсад Президентимиз ва ҳукуматимизнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатини амалда тўла рўёбга чиқаришдир.

Ш.ХУДОЙҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиги, биринчи даражали ҳуқуқшунос.
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Саховат, меҳр-мурувват

«ЕТИМЛИГИНИ БИЛДИРМАЙМАН»

Китоблик Санам Очилованинг саховатли ишлари ҳақида кўп эшитгандим. Яқинда у фаолият кўрсатаётган Тошкент илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Фонон» фирмасига бордик.
— Келинг, яхшиси вақтни ўтказмасдан, болаларимиз олди-га борақолайлик. Уларни бир кўрсам чарчоқларим чиқиб кетди...

— Раҳматли отамнинг «Оталиклар фойтун устида ўйнар, отасизлар девор остида йнлар» — деган гаплари доимо қўлоғим остида жаранглайди, — дейди Санам опа. — Шунинг учун бўлса керак, ота-онасиз болаларни кўриб, кўнглим ўқсийди. Уларга мурувват кўрсатгим келади.
Дарҳақиқат шундай. Болаларга шунчалик меҳрибонлик кўрсатиб, уларни ҳолидан хабар олиб туриш ҳамманинг ҳам қўлидан келарвермади. Лекин, Санам Очиловадаги болаларга бўлган самимият, меҳрибонликни нафақат китобликлар, балки вилоятдагилар ҳам яхши билишади.

биз сингари кампирларни тўплаб, бир пиёла чой устида дастурхон ёзди. Ҳар биримизга совға улашиб, кўнглимизни кўтарди.
— Санамойдек меҳридарёлар кўпаяверсин, — дейди Янгиобод маҳалласида яшовчи Рохила ая Камолова. — Меҳр-мурувватли бу аёлни доимо алқаймиз. Умридан барака топсин.
Кексаларнинг бу сингари дил сўзларини яна давом эттириш мумкин. Қисқаси, унинг савобли ишлари ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин. У фаолият кўрсатаётган «Фонон» фирмаси жамоаси ҳам Санам опанинг амалга ошираётган ишларидан мамнун эканликларини изҳор этмоқдалар.
Чироқчилик Дилфуза Муродова мактуб йўллаб, кўмак беришини сўраса, Китоб тумани Гулнўпўш қишлоғида яшовчи Барно Турдиева ўзига кўрсатилган мурувват учун миннатдорчилик билан мактуб йўллаган.



ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРГА ОБИ ҲАЁТ

Мустақиллик йилларида қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш борасида катта микдосдаги ишлар амалга оширилди. Энг чекка туманлардаги юзлаб қишлоқлар аҳолиси ҳам «зангори олов»дан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Юзлаб аҳоли пунктлари эса тоза ичимлик сув билан таъминланди. Бунда «Ўзбеккоммуналлоя»

институт аҳил жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.
Айниқса бориш қийин бўлган олис қишлоқ пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича турли лойиҳа ишлари ҳақида аҳамият берилаётганлиги эътиборга лойиқ.
— Ўтган йилнинг ўзида, — дейди институт бош муҳандиси Мирҳайдар Қамбаров, — 83 та объект бўйича лойиҳалаш ишларини бажардик. Айни кунларда эса Чимган-Чорбоғ дам олиш зонаси қурилиши лойиҳаси устида ишляяпмиз.
— Бундан ташқари, Навоий вилояти ва Карман туманидаги сув ўтказиш ва каналлаш системаларини қайта таъмирлаш, кенгайтириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг каналлаш коллекторларини ривожлантириш лойиҳалари устида иш олиб бормоқдамиз, — дея қўшимча қилди биринчи устакхона бошлиғи Раъно Норкулова.
Ҳа, замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланган институт жамоаси доимий изланишда. Улар одамлар оғирини енгил қилиш, етарли шарт-шароитлар яратиб беришдек эзгу ва савобли ишга ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида астойдил изланмоқдалар.

У.УСМОНОВ.

Табиат ва биз КАСАБА УЮШМА ТЕРАКЗОРЛАРИ

Машина Наманган-Янгиқўрган катта йўлидан елдек учади. Кўз олдимиздан кино тасмасидегидек боғлар, яшнаган экинзорлар ўтади. Эскиер сув омборига яқинлашайтганимизда, йўлнинг сал ичкарасида худди ўрмонзорнинг кичик бўлаги сингари кўкка буй чўзган теракзорлар кўринди.
— Манзаранинг гўзаллигини қаранг, — сўз қотди биз билан бирга келаятган меҳмон. — Бизнинг ерларимизга ҳам ўрмонзорлар ярашар экан-ку!
— Нега ярашмас экан? Тупроғимизга эса кексалар муболага билан таърифлаганларидек бугун чўп суксангиз эртасига ниш уради. Кўпни кўрган, олтиш ёшларга бориб қолган ҳайдовчимиз эса:
— Эс-эс биламан. Болалгимизда пайкал бошларда қаторлашган ўрикзорлар, жилон жийдалар бўларди. Пахтага сояси тўшяпти, илдири ҳосилни камайитириб юборяпти, деган баҳоналар билан кесиб ташлашди. Ахир, одамларимиз олдинлар уоқлардан ёғоч келтиришмаган, ўзлари маҳаллий шариотда етиштиришган-ку!, — деди.
Шу пайтгача гапга аралашмасдан келаятган меҳмон дўстиимиз менга қаради.
Эшитишимизча, Радивон қишлоғи ва Жўра Охунов номи жамоа ҳўжалигига қарашли теракзорлар касабакўм ташаббуси билан экилган экан. Наманган шаҳридан чиқиб, мана шу сув омборига етиб келгунча йўлнинг ичкарасида бир неча жойда теракзорлар мавжуд. Бу ерда тахминан 200 минг тупга яқин кўчат бор. Ҳозир олди иморат сингари ярайдиган бўлиб қолди. Улар етилгач, ёғоч муаммоси ҳал бўлиб, қурилишлар янада авж олади. Туманнинг иморат сингари ярайдиган бўлиб қолди. Улар етилгач, ёғоч муаммоси ҳал бўлиб, қурилишлар янада авж олади. Туманнинг иморат сингари ярайдиган бўлиб қолди. Улар етилгач, ёғоч муаммоси ҳал бўлиб, қурилишлар янада авж олади.

ўтқишини ўз оталиқларига олишга қарор қилган эдилар.
Дарҳақиқат, кўмита расиси таъкидлаганидек, ана шу маҳалдан кейин барча жамоа ҳўжаликлари, ташкилотлар ва муассасаларда, билим масканларида терак кўчати ўтқишини ойлиги эълон қилинди. Уша кунларда мактаб ўқувчисидан тортиб ишчи-дехқонгача кўлларидега терак қаламчасини кўриш мумкин эди. Шу тариқа қисқа вақт ичида Йўлдош Охунбобоев номи, «Искотов», «Най», «Заркент» ва бошқа қатор жамоа ҳўжалиқларидаги талай майдонларда теракзорлар ташкил этилди. Бу ишларнинг амалга оширишда касоба уюшмалари бош-қош бўлиб турдилар. Булардан ташқари «Най» жамоа ҳўжалиги касоба уюшма кўмитасининг маъмурият билан ҳамкорликдаги режасига кўра 2001 йил кўкмаида ҳўжалиқнинг адирликлар ва тоғларга туташ майдонидега 70 гектар ерда мевали боғ барпо этилади.
Хуллас, бу юмушга касоба уюшма ташкилотлари бош қўшганлиги уй-жой қурилишида сув ва ҳаводек зарур ҳўсбланган ёғоч муаммосини ҳал этишга кўмаклашиши билан бир қаторда атрофмуҳит, экологияни яхшилашга ҳам хизмат қилаётир.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Нукус шаҳар меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя бўлими бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этди. Унда 51 корхона, ташкилот ва муассаса қатнашди. Шу кун 150 га яқин киши иш билан таъминланди.
Бухорода гилам музейи очилди. Унда турли даврларга мансуб нодир гиламлар намойиш этилмоқда.
Музейга ташриф буюрганлар қадимий бухороча гиламдан тортиб туркманча «қизи-лобқ»гача, қозоқча кизилура уйғурча хуржун, ранг-баранг жойнамозларгача завқланиб томоша қиладилар, ҳалқимизнинг ўзига хос бетакор гиламдўзлик санъатини кўриб кўнгли ўсади.
Сурхондарё вилоятининг бирийўла у тумани - Шеробод, Қумқўрган ва Термиз туманлари пилла тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Шерободликлар 89 тонна, қумқўргонликлар 110 тонна, термизликлар эса 98 тонна сифатли сановат хомашёси топширди. Ҳар қучи кўрт уруғидан ўртача 50-55 килограммдан ҳосил олинди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Республика иқтисодиётига ҳорижий инвестициялар ва экспорт кредитларини жалб этиш, ҳорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ис-

«БЕРН ИТТИФОҚИ» ТОШКЕНТДА ЙИҒИЛАДИ
лохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 25-26 май кунлари Тошкентда ўтказиладиган Кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш халқаро иттифоқининг /«Берн Иттифоқи»/ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликлари наватдаги йиғилиши бу борадаги муҳим қадам бўлади.
Унда «Берн Иттифоқи»га аъзо бўлган ўндан ортиқ Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг экспорт-кредит агентликлари раҳбарлари иштирок этади. Учрашувда 1997 йилдан буён мазкур халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган «Ўзбекинвест» экспорт-импортни суғурталаш миллий компанияси мамлакатимиз вакили сифатида иштирок этади.
Йиғилишда халқаро савдони кредитлаш ҳамда инвестиция учун қулай шариот яратишда муҳим ўрин тутувчи экспорт-кредит агентликлари ўртасида самараларни ҳамкорликни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади.
(У.А.)

АХБОРОТЛАР БАНКИ

Ҳозир Тошкент вилояти агросаноат мажмуасида ва унга хизмат кўрсатувчи соҳаларда мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрғанишга катта аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда ахборотлар банкларини яратишга киришилди.
Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири раисининг таълим тизими маркетинги бошқармаси бу соҳада бой тажриба орттирмоқда.
Бошқарма Тошкент Давлат аграр университетининг маркетинг бўлими билан ҳамкорликда ижтимоий инфратузилмаларнинг кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини ўрғаниб, Тошкент вилояти бўйича ахборотлар банки ҳужжатларини тайёрлади.
Эндиликда Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам яратилди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллиги олдидан АЛЛОМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)
«Хидоя» асари икки жилд ва тўрт жузъ, 57 китобдан иборат бўлиб, биринчи жузъга исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари: таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж масалалари билан боғлиқ бешта китоби киритилган. Бундан яққол кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқида диний урф-одатлар ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар билан дунёвий фикр масалалари боғланиб кетган. Иккинчи жузъга: оила-ниҳоят муносабатлари, эмиз, яъни сўт бўйича қариндошлик, талок, яъни ниҳоят бекор қилиш, қулларни озод қилиш, топиб олинган бола ва нарсалар ҳақидаги, қасам, жиноят ва жазо, уруш олиб бориш ва давлатлараро муносабатларга оид, берадқ йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулк масалалари 14 китобга киритилган. Демак, бу жузъда асосан, оила ва ниҳоят муносабатлари, қисман бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқи масалалари ёритилган. Учинчи жузъ 22 китобга бўлинган бўлиб, савдо-сотик, пул муомалалари, қафолат, пулни (қарзларни) бировдан-бирова ўтказиш, қози (судья)нинг мажбуриятлари, гувоҳлик кўрсатувлари, гувоҳлик кўрсатувларини рад этиш, ваколат (ишоннома), даъво, иқроз бўлиш (тан олиш), суҳл (келтириш), гаров (бир ишда пул билан иштирок этиш), қарз (ссу)да, ҳадя (совға), ижара, ва сийлик (ҳимояга олиш), муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва урушлар, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш масалаларидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий масалалари ва суд-процессуал ҳуқуқига бағишланган тўртинчи жузъ 16 китобдан иборат бўлиб, ундан шафот, мерос (аралаш мулк ҳуқуқини олиш ва бундай ҳуқуқнинг ворисликка ўтиши), тақсимлаш (мулкни бўлиш), дехқончилик ҳуқуқидаги (ерларни ишлаш бўйича тузилган шартнома), бондорчилик ҳуқуқидеги (озик-овқатларни етиштириш ва истеъмол қилишдаги турли этиҳўл чоралари бўйича тузилган шартнома), ташландиқ (бўш ётган) ерларни ўзлаштириш (ишлаш), қурбонликка сўйиладиган жонзот, умуман қурбонлик қилиш, шариатга зид ёмон нарсалар, ов (овчилик) ҳақида, тақвирланган (ичимлик) суоқликлар, зақолат (гаровга бериш), шахсга қаратилган шикоятлар, хун ҳақи тўлаш (пул билан ундириладиган, яъни қоллана-

диган жазо чоралари), пеня (пинни) ундириш, васият каби масалалар ўрин олган.
Дарвоқе, «Бундан кўриниб турибдики, — деб ёзади З.Мухомов, — мусулмон ҳуқуқи XII асрдаёқ маълум тармоқларга ва институтларга эга бўлган ҳуқуқ тизимини ташкил қилган. Ана шу жихатдан ўрғанишда бу манбанинг аҳамияти катта бўлган».
Демак, «Хидоя»да қозининг шахсияти муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам шариот судлари - қозиларнинг олдига қўйиладиган муҳокама (суд қилиш) тартиботи, иш юритиш, жазо, ҳужми ижро этиш масалаларига «Қозининг мажбуриятлари» китоби бағишланганининг сабаби шундандир.
Қози (судья)лик мансабининг эгаллаш учун мусулмон, озод ва ақли расо, ҳуқуқ ва муомалага лаёқатли, фуқаролар (жисмоний шахслар) талабига жавоб бера оладиган, фикр илмидан яхши хабардор, қарорлар қабул қила оладиган, адалат ва яхшилик тарафдори бўлиш сингари талаблар қўйилган. Қозилик мансабига лойиқ топилган шахсни шахсан ҳукмдор (давалт бошлиғи)нинг ўзи тайинлаш ваколатига эга бўлган. Эеро, қозилик вазирасига ноқобил кишиларнинг тайинланиши жамиятга ва фуқароларга катта зарар келтириши мумкин. Бу ҳолни Бурхониддин ал-Марғиноний пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг қўйилган Ҳадиси шарифларига таянган ҳолда шундай асослаб беради: «Мухаммад Расулulloх айтганлар: «Кимдан-ким бирор тегишли мансабга шу мансабни бажаришга лойиқ, софдил, адаллатли кишиларни тайинлашмай, бошқа бир кишини тайинласа, у ҳудого, пайгамбарга, мусулмонларга нисбатан адалатсизлик қилган бўлади».
Ўз раъйига таяниб ижтиҳод қилиш қонидаси Пайгамбар алайҳиссалом билан саҳобалари Муоз ибн Жабал (р.а) ўрталарида кечган суҳбат ҳақидаги ушбу ривоятдан олинган:
— Агар бир масалага дуч келсанг, нимага асослансанг? — деб сўрайдилар Расулulloх (с.а.в.).
— Аллоҳнинг қаломига, — деб жавоб қилди Муоз.
— Ундан жавоб топмасанг-чи?
— У ҳолда суннатдан қарайман.
— У ердан ҳам топмасанг-чи?
— Ўзимнинг раъйимга қараб ҳукм чиқараман, — дейди Муоз.
— Шунда Расулulloх (с.а.в.): «Аллоҳ элчисини (яъни, Муозни) уни ёқадиган йўлга тавфиқ берган Аллоҳга ҳамда саналар бўлисин!» деб хитоб қилдилар.
Юқоридагилардан кўриниб турибдики, агар айрим масалаларнинг ечимини топиш Қуръони Каримда, суннатда ёки ижмоъда очик-ойдин кўрсатилмаган бўлса, ундай пайтда қозиларга ўз раъйига таяниб, ижтиҳод ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилган, бошқа қачонки айтаётган қиссасида қозининг раъйига таяниб, ижтиҳод ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилган. Яъни, қози Қуръон ва суннат йўли-ўриқларига асосланган ҳолда ўзининг ақлини ишга солиб, ўз раъйига таяниб адаллатли ҳукм чиқаради. «Хидоя»дан кўрамазми,

нос олимдир. Профессор А.Савдовнинг фикрича, олимнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида ҳозирги кунда ҳуқуқшунослик фани учун илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги бош йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:
Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари;
Иккинчидан, мулкчиликнинг турли шакллари, айниқса, давлат ва хусусий мулкчиликнинг, шунингдек, молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари;
Учинчидан, жиноят ва жазонинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодисалар сифатидаги ҳуқуқий асослари;
Тўртинчидан, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти;
Бешинчидан, судлар ва қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва процессуал масалалари.
Албатта, шайх Бурхониддин Марғиноний яратган «Хидоя»даги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ҳозирги кунда чуқур ўрғаниш амалий-назарий аҳамият эгаллиги шубҳасиздир.
ҲАЛИМЖОН БОБОЕВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, Солиҳон ХАСАНОВ, педагогика фанлари номзоди.

Топилмалар мозийдан сўзлар




Самарқанд вилоятининг Регистонга туташ Чокардица қабристонига туташ Чокардица қабристонига Узбекистон Фанлар Академияси Архитектура институтининг бир гуруҳ олимлари бу ерда тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, бу қабристонга калом илмининг алломаси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий дафн этилган.

Археологик қазилмалар чоғида қабристондан қадимги қабр тошлар ва мачит пойдеворлари топилди. Топилмалар бу ерда дафн этилган шахсларни аниқлаш, уларнинг номларини абадийлаштириш ва бундан 1200 йил олдин кўхна Самарқандда маданиятнинг қай даражада ривожланганлигини аниқлашга ёрдам бермоқда.

Мазкур тўрт ярим гектар келадиган қабристоннинг уст тарафида вақт ўтиши билан шаҳар қурилиб кетган. Ҳозирда Сиб туманининг аҳоли яшовчи жойларидан ҳам қўлаб тарихий ашёлар топилмоқда.

Суратда: археолог, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов топилмаларни кўздан кечирмоқда.
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



Юртни юрт, миллатни миллат сифатида танитадиган унинг аллома фарзандларидир. Тарикат илми фузалоларидан Ҳаким ат-Термизий бобомизнинг номи тилга олишимиз билан қадим Сурхон воҳаси, унинг маънавияти, бебаҳо осори-атиқалари, дилқаш ва самимий инсонлари кўз ўнгимизга келади.

Ат Термизий нафақат ўзбекларнинг, балки бутун мусулмон оламининг пиру муршидларидан. Мустақиллик шарофати билан аллома яратган бой мерос халққа қайтди. Ул зотнинг қадамжолари зиёратгоҳ манзилга айланди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

«Универсиада-2000»

Ёшлик ва шижоат байрами

Наманганда катта спорт байрамига шижоат берилди. Мусобақаларда мамлакатимизнинг 61 та олий ўқув юрталарининг 1500 нафардан зиёд спортчи-талабалари тўққиз спорт тури бўйича «Универсиада-2000» ғолиблиги учун курашга киришдилар.

Кунини кеча универсиададан бача иштирокчилари «Универсиада шаҳарчаси» сифатида белгиланган «Гулшан» ва «Чортоқ» санаторийларида жойлашдилар. Бу ерда уларнинг мириқиб дам олишлари, спорт беллашувларига пухта ҳозирлик кўришлари учун ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган марказий «Навбахор» ўйингоҳи жаҳон андозалари даражасида таъмирланиб дид билан жўзланган. Бевоҳиша беллашувлар ўтказиладиган Наманган Давлат университети ва муҳандислик-педагогика институти спорт иншоот-

лари, «Пахлавон» спорт-соғломлаштириш ҳамда «Дўстлик» теннис мажмуалари, «Динамо», «Алпо-

далолат беради. — Эпчиллик ва қаққонлик, ёшлик ва шижоат байрами ҳисобланган

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

миш» стадионлари, Чуст, Уйчи, Тўрақўрғон туманларидаги спорт майдонлари, «Шохрух» шахмат-шашка клуби ҳам байрамона безатилган.

— Мен бир неча кундан бери Намангандаман, дейди хизмат кўрсатган мураббий, миллий тоифадаги ҳакам, мусобақалар бош қотиби Роман Ицков. — Кувонч билан таъкидлашим лозимки, бача тайёргарлик ишлари юқори даражада. Чортоқда бунёд этилган «Универсиада шаҳарчаси» ташкилотчилар астойдил энг шимариб ҳозирлик кўрганларидан

«Универсиада-2000» мусобақалари зўр кайфият билан бошланди, дейди Роман Исаевичнинг айтганларини қувватлаб Жиззах вилояти ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Илҳом Юсупов. — Гуллар шаҳрига «Спорт шаҳри» иборасини ҳам бемалол қўшиб қўйса арзийди. Универсиада мусобақаларининг энг юқори савияда ўтишига аминман.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Олот туманидаги «Рустам» клубининг уч аъзоси Тошкентда ёшлар ўртасида тазквондо бўйича бўлиб ўтган республика чемпионатидан ғалаба билан қайтди.

ШАҲНОЗА КОРЕЯГА БОРАДИ

Кескин курашларда ўз маҳоратини намойиш эта олган Шаҳноза Шаропова ғолибликка давровгарларнинг барчасини доғда қолдирди ва олтин медални қўлга киритди. У тазквондо бўйича «қора белбоғ» соҳиб ҳам бўлди. Энди у Корея Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

Футбол

ҚУЙИ ПОҒОНАДА ЖОНЛАНИШ

Бундай ўйлаб қарасак, мамлакат чемпионатининг учдан бир қисми ҳам ортада қолибди. Лекин

метов, Бахтиёр Қамбаралиев, Абдуқаҳор Маъруфалиевларнинг миллий терма жамоа таркибида

интилаётган номдор жамоалар ғалаба нашидасини сурдилар. «Самарқанд-Динамо» ўз майдонини қўйинчилик билан бўлса-да, «Гулистон»нинг қаршилигини енгиб, 5:3 ҳисобида зафар кучди. «Навбахор» — «Семурғ» учрашувида ҳам таъбир жоиз бўлса, осмондан «тўплар ёғири» ёғди. Хисоб — 5:2. Фарғонанинг «Нефтчи» командаси эса уйиндан-уйинга ўсиб бораётган «Сурхон» жамоасидан 2:1 ҳисобида устун келди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зарафшон» - «Сўғдиёна» — 0:0, «Бухоро» - «Трактор» — 1:0, «Қизилқум» - «Металлурж» — 2:1, «Темирйўлчи» - «Пахтакор» — 2:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 24 май чоранба кунини бўлиб ўтади. Айниқса «Нефтчи» - «Насаф», «Навбахор» - «Пахтакор» ва «Кимёгар» - «Турон» жамоалари ўртасидаги баҳслар қизгин кечиши башорат қилинмоқда.

13-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	13	10	2	1	32-12	32
2. «Насаф»	13	8	3	2	26-14	27
3. «Самарқанд-Д»	13	8	1	4	25-15	25
4. «Навбахор»	12	7	3	2	26-13	24
5. «Нефтчи»	12	7	3	2	20-10	24
6. «Сурхон»	13	6	3	4	22-18	21
7. «Семурғ»	13	6	2	5	26-18	20
8. «Трактор»	13	5	3	5	16-13	18
9. «Бухоро»	13	6	3	4	14-15	18
10. «Зарафшон»	13	5	3	5	12-21	18
11. «Пахтакор»	13	5	2	6	18-19	17
12. «Металлурж»	13	5	2	6	12-16	17
13. «Сўғдиёна»	13	4	4	5	11-18	16
14. «Андижон»	13	3	6	4	17-18	15
15. «Қизилқум»	13	4	3	6	13-20	15
16. «Гулистон»	13	4	1	8	21-24	13
17. «Темирйўлчи»	13	3	3	7	17-25	12
18. «Хоразм»	13	2	4	7	8-14	10
19. «Кимёгар»	13	2	4	7	8-20	10
20. «Турон»	13	1	3	9	10-28	6

Зарбдор қурилиш — касабаяушмаси назоратида

Жиззахнинг Сайилжойи маҳалласида бир неча гектарлик ташландик майдонда Олимпия захираси касб-қунар коллежини (спорт мажмуи билан) қуриш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Мана бир йилдирки, бу ерда бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда.

Марказий Осиёда ягона

Мазкур қурилишнинг боришини назорат қилиш, ишчиларга меҳнат ва дам олиш шароити яратишга кўмаклашиш касабаяушма кўмитамиз зиммасига юклатилганлиги, очиги, бизни тўлқинлантириб юборди. Аввалбоши ишни умумий аҳолини ўрганишдан бошладик. Хар кунини икки марта ўтказиладиган штаб йиғилишларида мунтазам қатнашиб, қурувчиларнинг иш ҳақи, ётоқхона муаммолари каби масалалар муҳокамаси чоғида ўз қатъий сўзимизни айтиб бордик.

Дарвоқе, Марказий Осиёдаги энг йирик спорт мажмуи лойиҳа баҳоси 649 миллион сўмдан иборат бўлиб, ўтган йили 268 миллион сўмлик иш бажарилган бўлса, шу йилнинг тўрт ойида 160 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Кези келганда, «Жиззахдеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ва 61-хўжалиқларaro механизациялашган кўча жамламалар бош пудратчи этиб тайинланганлигини, ўн битта ёрдамчи пудратчи ташкилот

эса уларга яқиндан кўмаклашаётганликларини таъкидлашни истардим.

Бўлажак спорт мажмуи ёнидаги собиқ хусусийлаштириш бошқармасининг беш қаватли биноси ўқув машгулотлари учун, ижтимоий таъминот бошқармасининг тўрт қаватли биноси ётоқхона учун олиб берилганди. Эскини ямаб эсинг кетади, деганларидек, уларни қайта қуриш осон бўлмапти. Янаям, қурувчиларга раҳмат, икки сменада ғайрат кўрсатиб бинолар умрига умр қўшмоқдалар. 198-қурилиш монтаж бошқармасига металл конструкцияларини йиғиш топширилган бўлса, «Электросвет» кичик корхонаси ташқи ва ички ёриткичларни ўрнатапти. «Келажак» фирмаси ишчилари сантехника ишлари билан шуғулланса, «Автойл» бошқармасининг «Ободончилик» гуруҳи кўкчалаштириш ишларини ниҳосига етказмоқдалар. «Сувқурилиш» трестининг 9-қурилиш корхонаси очик бассейн, сауна, ўриндиқлар, теннис кортларини қуриш би-

лан машгул.

Айтиш мумкинки, бу улкан спорт мажмуининг ҳар бир бўлаги жаҳон андозаларига мос ҳолда қурилмоқда. Тўртта очик теннис корти аллақачон қуриб битказилди, ҳозир 620 томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар монтаж қилинмоқда. 50x20 ҳажмдаги очик бассейн ҳам юз кўрсатиб қолди.


Асосий куч ва маблағ эндиликда 7,5 минг квадрат метрлик ёпик спорт зали қурилишига ташланган. Мураккаб бўлмаган бача юмушлар ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Иложи борича қимматбаҳо рангли металл ишлатмасликка, кўпроқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланишга ҳаракат қилинапти. Бу ўз навбатида катта иқтисодий самара бермоқда, албатта.

М. Усаров бошлиқ гишт терувчилар бригадаси, Ё. Абдурахмонов етакчи бўлган том ёпувчилар, В. Вейгант бошлиқ монтажчилар, М. Эгамов, В. Соатов ва А.Олимов раҳбарлик қилаётган бўёқчилар, бетончилар ва пайвандчилар гуруҳлари иши алоҳида таҳсинга лойик. Бош пудратчи Искандар Турғуновнинг ён дафтаридида битта белги бор. «Спорт мажмуи ва коллежи биринчи сентябр кунини ўз эгаларини қабул қилади». Шунингдек, Бахмал тумани марказида қуриладиган шу каби касб-қунар коллежи ҳам айни шу кунини фойдаланишга топширилади.

Шукур ТОЖИҚУЛОВ, Жиззах вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари санвати ходимлари касабаяушма кўмитаси раиси.



Самарқандда дунёнинг йигирмадан ортқ давлатларидан кучли теннисчилар иштирок этган «Челленжер» турнири ниҳоясига етди. Суратларда:



1. Турнир ғолиби М.Южний. 2. Норвегиялик «ракетка устаси» Ян Андерсон ҳал қилувчи баҳсада.

А.РИХСИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касабаяушмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.00